



АНДИЖОНДА САЛОҲИЯТНИ НАТИЖАГА АЙЛАНТИРИШ ДАВРИ: САРМОЯ, ТЕХНОЛОГИЯ ВА ЮҚОРИ ДАРОМАДЛИ ИШ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида Андижон вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказилди.



Андижонликлар 24 сентябрь тонгини кузнинг ёқимли ҳавоси — барака ва мусаффолик тимсоли бўлган ёмғир билан кутиб олди. Минг йилларки, майин ёмғир ёруғлик, барака ва мўл ҳосил рамзи бўлган. Мамлакатимиз раҳбари раислигида ўтказилган йиғилишда мазкур рамзий ишора яна бир бор тасдиғини топди.

Йиғилишда ҳудудни изчил иқтисодий юксалтириш, ижтимоий бирдамлик ва ўсишга хизмат қиладиган тақдир ҳамда ташаббуслар илгари сурилди. Тўғри, кейинги йилларда вилоятда барча соҳалар бўйича қўллаб-қувватлашга эришилди. Масалан, шу йилнинг биринчи ярмида вилоят иқтисодиёти 8,8 фоиз ўсган. Айни кўрсаткич саноатда 9,2 фоизни, хизматлар соҳасида 16,1 фоизни ташкил этган. Албатта, ютуқлардан қувонилган ҳақимиз. Бироқ ҳаёт бир жойда тўхтаб турмаслиги ҳам айтилган. Шу боис, янгиланишлар рақамлар билан эмас, ҳар бир оиланинг кундалик ҳаётига қандай ўзгариш олиб киргани билан баҳоланади. Ана шу нуқтаи назардан, янги марралар белгилаб олинди. Табиийки, уларга эришишнинг аниқ режаси, иқтисодий-ижтимоий харитаси ҳам кўрсатиб

берилди. Жумладан, йиғилишда инвестициялар ҳажмини ошириш борасидаги ишлар таҳлил қилинди. Бунда келаётган сармоянинг сифати, таркиби ва иқтисодиётга берадиган самарасига алоҳида эътибор қаратилди. Яқинда саноат ва тадбиркорлик учун вилоятда 1000 гектар майдон ажратилган эди. Йиғилишда ушбу имконият Андижонда 7 миллиард доллар инвестиция ва камида 70 минг юқори даромадли иш ўрнига айланиши кераклиги таъкидланди. Қолаверса, соҳадаги айрим жиҳатлар таҳлил этилиб, қатор вазифалар белгиланди. Жумладан, сармояларни юқори қўшилган қиймат, замонавий технология ва барқарор иш ўринлари очадиган йўналишларга жалб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Асакада автомобилсозлик бўйича 30 йиллик тажриба шаклланди. Мана шу тажриба асосида ўз технологияларини яратишга ўтиш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда “Асака муҳандислик водийси” ташкил этилади. Унда дастурий маҳсулотлар, электроника, электромеханика ва муҳандислик хизматлари занжири йўлга қўйилади. Мана шу оминнинг ўзиёқ соҳаларни одатий иш тартибидан чиқариб, глобал иқтисодий

тебранишларга чидамли тизимга ўтилаётганини аниқлади. Бундай тизим эса ёш, билимдон ва юқори салоҳиятли кадрлар синфи билан барқарор аҳамият касб этади. Бу борада ҳам муҳим қадам ташланмоқда. Жумладан, ҳозир вилоятда муҳандислик, энергетика, саноат ва ахборот технологиялари йўналишларида таҳсил олаётган 10 минг талаба бор. Йиғилишда уларнинг ғояларини тайёр маҳсулотга айлантирадиган тадқиқот ва ишланмалар марказларини ривожлантириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Таъкидланганидек, вилоятда ер ва табиий бойликлар чекланган. Ана шу чекланган имкониятни катта салоҳиятга айлантириш мумкин. Айниқса, андижонликлар каби ҳаракатчан инсонлар, бу ердаги кучли тадбиркорлик муҳити, кўп сонли ёшлар ҳудуднинг кучли жиҳатидир. Буларнинг барчасини ҳисобга олиб, энди вилоятда инвестиция натижадорлиги ҳар бир квадрат метр майдонда яратилган қўшилган қиймат билан баҳоланиши белгиланди. Мазкур вазифа учун ҳам давлатимиз раҳбарининг ўзи аниқ режа тақдим этди. Унга кўра, Қорақалпоғистон тажрибаси асосида қолган 13 ҳудуд учун ҳам лойиҳалар менежери

лавозими жорий этилади. Андижондаги лойиҳалар менежери вилоятнинг янги инвестиция моделини яратишга масъул бўлади. Бунинг учун сунъий интеллект ёрдамида ҳар бир туманининг саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ ҳўжалигидаги имконияти баҳоланади. Таҳлил натижасига кўра, юқори қўшилган қиймат яратиш имкони бўлган соҳалар аниқлаб олинади. Шу асосда хориж сармоясини жалб қилиш режаси ишлаб чиқиладди.


Халқни рози қилиш сиёсати устувор бўлган мамлакатда ижтимоий масалаларга иқтисодий самарадор ечимлар тақдир этилади. Шу маънода, янги Ўзбекистонда иш ўринлари очишга катта эътибор қаратилмоқда. Андижонда ҳам бу борада яна бир ташаббус илгари сурилди. Яъни йирик корхоналар фаолияти кенгайтирилади. Улар самарадор ишлаши учун технологик модернизация қилинади. Шу орқали янги иш ўринлари очиш чораси кўрилади. Келгуси йили вилоятда камида 10 фоиз иқтисодий ўсишни таъминлаш вазифаси қўйилди. Бунда 5 миллиард доллар инвестиция жалб қилиниб, экспорт 1,5 миллиард долларга етказилади.

Юртимизда ҳар бир ҳудуднинг имконияти, ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб, драйвер соҳалар белгилаб олинади. Айни пайтда барча соҳада ривожланишга эришиш учун муайян имтиёз ва имкониятлар тақдим этилади. Бу, айниқса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қўл келмоқда. Айни мақсад туфайли Андижонда йирик чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик комплексларини кўпайтириш вазифалари белгиланди. Масалан, Улутнордаги пахтадан озуқа экинларига ўтказилган 5000 гектар майдонда камида 10 минг бош қорамол боқиш мумкин. Дала четига ердан самарали фойдаланиш орқали ҳам чорвачиликни кенгайтириш имкони бор. Йил якунига шундай майдонларнинг камида 200 гектарида чорва боқиш учун шaroит яратиш, Улутнор ва Бўстонда йирик чорвачилик комплекслари лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Шунингдек, Балиқчи тажрибаси асосида Жалақудудда 4 та, Хўжабодда 3 та товуқ гўшти комплекси лойиҳасини бошлаш вазифаси қўйилди. Қолаверса, Улутнордаги 1200 гектар майдонда Балиқчи тумани тажрибаси асосида балиқчилик кластери ташкил этилади.

Ислохотлар изчиллиги таъминланиши учун имконият ахтариш эмас, бор салоҳиятни юқори самарага олиб чиқиш талаб этилади. Вилоятда бу борадаги янгиланишлар барқарор давом эттирилади. Яъни Жалақудук, Марҳамат, Асака ва Андижон туманларидаги адирликлар иқтисодий айланишга киритилади. Бунинг учун алоҳида “Агростар” компанияси ташкил этилиб, баҳоргача 4-5 минг гектар майдонга сув чиқарилади. Шу ерларда шафтоли, гилос, ўрик, олхўри дарахларидан иборат саноатлашган боғлар барпо этиш ҳаракати бошланади. Боғлар уч йил парваришланиб, аҳолига тайёр ҳолда тақдир қилинади. Яъни ҳозир шунчаки адирлик бўлган жой катта маблағ эвазига ўзлаштирилади. Катта боғ яратилиб, аҳолига даромад олиш учун берилди. Ана шунинг ўзиёқ Ўзбекистон том маънода ижтимоий давлат вазифасини юқори даражада бажарётганини аниқлади.

► Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.



Александр КВАСЬНЕВСКИЙ:

“ЎЗБЕКИСТОННИНГ СЎНГГИ 10 ЙИЛЛИКДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИ КЕЛАЖАККА МУСТАҚҚАМ ПОЙДЕВОРДИР”

Польшанинг собиқ Президенти, “Amicus Europae” жамғармаси асосчиси ва бошқарув кенгаши раиси Александр Квасневский Ўзбекистоннинг сўнгги 10 йилликдаги кенг қўламли ислохотлари, натижалари ва ютуқлари ҳақида “Дунё” ахборот агентлигига интервью бериб, мамлакатимиз халқига самимий табрик ва эзгу тилаklarини йўлади.



— Бу йил янги Ўзбекистонда ислохотлар бошланганига 10 йил бўлди. Ушбу давр мобайнида амалга оширилган ишлар ва эришилган ютуқларни қандай баҳолайсиз?

— Мамлакатимизда рўй берган ўзгаришлар ҳар қандай кишида катта таассурот қолдиради. Ислохотлар кенг қўламли кечмоқда. Энг муҳими, улар геосиёсий вазият нуқтаи назаридан осон бўлмаган даврда ҳаётга табиқ этилмоқда. Шундай мураккаб вазиятга қарамай, Президентнинг

ва халқининг ислохотларни изчил давом эттириш борасидаги қатъияти юксак ҳурматга сазовор.

Янги Ўзбекистон янги Конституция қабул қилгани жуда муҳим воқеа бўлди. Бу қўллаб-қувватлаш ва лойиҳаларни амалга ошириш учун мустақкам ҳукукий асос яратди. Менимча, янги Конституция жамият фаоллигини оширади, фуқароларга ўз ҳаёти ва мамлакат иқтисодий фаолиятига янада кўпроқ таъсир кўрсатиш имконини беради.

Ўзбекистон бугунги жаҳондаги мураккаб вазиятга қарамай, оқилона ва мувозанатли ташқи сиёсат юритмоқда. Хусусан, Россия ва Хитой билан яхши алоқалар йўлга қўйилган, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Европа Иттифоқи ва бошқа давлатлар билан ҳам муносабатлар изчил ривожланиб бормоқда.

► Давоми 3-бетда

Халқаро эътироф

ЖАҲОН БАНКИ ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШ ВА ФАРОВОНЛИККА ЭРИШИШ ИСЛОХОТЛАРИНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИ

Дунё иқтисодиёти бутун катта ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқда. Янги технологиялар ишлаб чиқариш ва меҳнат бозорининг қиёфасини ўзгариштирган, инфляция аҳоли харажатига босим ўтказётган, геосиёсий зиддиятлар ва экологик вазият миллионлаб одамларнинг даромад манбаларига таъсир қилаётган шарoитда камбағаллик масаласи янада мураккаб тус олди. Бир мамлакатда иш ўрни қисқариши, бошқасида озиқ-овқат нархининг ошиши, яна бир ҳудудда қурғоқчилик туфайли даромаднинг камайиши ўзаро боғланган жаҳон иқтисодиёти орқали умумий муаммага айланмоқда.



Жаҳон иқтисодиётида камбағаллик масаласи янада мураккаб тус олаётган бир пайтда Ўзбекистонда сўнгги йилларда кузатилаётган ўзгаришлар алоҳида эътиборга молик. Инфляция, меҳнат бозоридagi трансформация, геосиёсий беқарорлик ва аҳоли даромадларига таъсир қилаётган глобал омиллар шарoитида камбағаллик даражаси пасайиши иқтисодий сиёсат натижаларини баҳолашда муҳим мезонлардан бирига айланмоқда.

► Давоми 3-бетда



Бошланиши 1-бетда

Мамлакатингиз Марказий Осиёда фаол сиёсат юритишда ва минтақада барқарорлик ҳамда хавфсизликни таъминлашга катта ҳисса қўшаётган етакчи давлатлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон аини пайтда ўзининг энг катта имкониятларидан бири — ёш авлод салоҳиятини тўғри йўналтириш ва улардан самарали фойдаланишга жиддий эътибор қаратмоқда. Ўзбек жамияти жаҳондаги энг ёш жамиятлардан биридир. Бирок ёшларнинг ўзига хос эҳтиёжлари мавжуд. Бу сифатли таълим, мактаблар, иш ўринлари, уй-жой, оила ва фарзандлар билан боғлиқ масалалардир. Табиийки, буларнинг барчаси жуда кенг қўламдаги вазифаларни қамраб олади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон раҳбариятининг бу борадаги сиёсати жуда фаол эканини кўриб турибман. Бугун ёшлар мамлакатингизнинг энг катта капитали ҳисобланади.

— Сизнингча, охириги ўн йилликдаги ишчи ўзгаришлар халқаро ҳамжамият, инвесторлар ва хорижий ҳамкорларнинг Ўзбекистонга ишончини қай даражада оширмоқда?

— Ўзбекистонда бўлиб ўтган қатор иқтисодий форумларда иштирок этдим. У ерда билдирилган фикрлар ва муҳокамалар жуда муҳим. Чунки бирор мамлакатга нисбатан ишонч шаклланиши учун, аввало, у давлат самарали бошқарилаётгани, хавфсиз экани, ўз мажбуриятларини бажариши ва ҳуқуқий тизимнинг доимий равишда ўзгариб турмаслигига ишонч бўлиши керак. Ана ўшанда тадбиркор ёки инвестор ўз фаолиятини узоқ муддатга режалаштириши мумкин.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, туризм ва иқтисодиётнинг бошқа йўналишларида ҳам катта салоҳиятга эга. Мамлакатда етиштирилаётган мева ва सबзавотлар дунёдаги энг сархил ва сифатли маҳсулотлар қаторига киради.

Бугунги замонaviй жаҳон иқтисодиётини белгилаб бераётган соҳаларда мамлакатингизнинг фаоллиги ҳам жуда муҳим. Хусусан, рақамли технологиялар, “яшил” иқтисодиёт ва экологик муаммоларга эътибор қаратиш лозим.



Бошланиши 1-бетда

Жаҳон банкининг “Ўзбекистонда камбағаллик ва тенгликни баҳолаш: фаровонликка эришиш ва барча учун имкониятларни кенгайтириш сари” ҳисоботи шу нуқтаи назардан мамлакатдаги иқтисодий жараёнларга кенроқ назар ташлаш имконини беради.

2021-2025 йилларда қарийб 3,7 миллион одамнинг камбағалликдан чиққани ҳақида ўқир эканмиз, бу рақамни бир лаҳза статистик ҳисобот саҳифасидан олиб, инсон ҳаёти мезонига қўйиб кўриш мумкин. Кечаги “бугунги қандай ўтказаман?” деган ташвиш аста-секин “эртага қандай яшайман?” деган режага айланаётганини тасаввур қиламиз. Аслида, камбағалликдан чиққанининг моҳияти ҳам шунда. Инсоннинг бугунги даромади кўпайиши билан чекланимайди, унинг эртанги имкониятлари кенгайиб боради. Қайси касбни танлаш, қаерда ишлаш, фарзандига қандай таълим бериш, уй-жой шaroитини яхшилаш, соғлиги ва келажаги учун маблағ ажратиш каби қарорларнинг барчаси

“Ўзбекистон амалга ошираётган ишларни доим юқори баҳолаб келганман. Мамлакатнинг Қозоғистон ва Марказий Осиёдаги бошқа қўшни давлатлар билан яхши муносабатларини ҳам алоҳида қадрлайман. Шунингдек, Ўзбекистоннинг мувозанатли ва барқарор ташқи сиёсати тўғри йўналишда деб ҳисоблайман.

Мен анчадан буён кузатиб келаётган яна бир муҳим йўналиш туризм ва сийҳлик инфратузилмаси жадал ривожланиб бораётганидир. Юртингизда сайёҳлар сони тобора ортиб бормоқда, бунда халқаро авиақатновларнинг аҳамияти жуда катта. Варшавадан Тошкентга тўғридан тўғри рейс мавжудлигидан хурсандимиз, мазкур имкониятлар туризмини ривожлантириш билан бирга халқларнинг бири-бирини яхшироқ англашига ҳам катта ҳисса қўшади.

Сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев ва унинг жамоаси амалга ошираётган ишлар Ўзбекистоннинг танланган йўлда қатъий ва собит эканини намойён этмоқда.

— Ўзбекистон барқарор ривожланиш, “яшил” иқтисодиёт, рақамли трансформация, илм-фан, таълим ва инсон капиталини ривожлантириш борасида ташаббусларни фаол илгари сурмоқда. Айтгинг-чи, ушбу йўналишларда ислохотларни амалга ошириш қанчалик муҳим?

— Бугун рақамли технологиялар билан боғлиқ барча таклиф ва ташаббуслар, сунъий интелект ва бошқа замонaviй йўналишларга жавоб бера олиш учун сифатли ва замонaviй таълимга эга бўлиш зарур. Бу борада кўплаб ўзбек ёшларининг хорижда таҳсил олиб, энг сўнгги илгор тажрибаларни ўзлаштираётгани муҳим аҳамият касб этади. Айнан шундай ёшлар мамлакатнинг янада тараққий топишида асосий таянч ҳисобланади.

Фикримча, Ўзбекистонда бунинг учун зарур шарт-шaroитлар мавжуд. Агар “яшил” иқтисодиёт ҳақида гапирадиган бўлсак, қуёшли юртингизда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар анча кўп. Шунинг учун қуёш энергетикаси, фотоэлектрик технологиялар ва бошқа “яшил” энергетика йўналишларида жиддий эътибор қаратиш керак.

Бошқа томондан, Ўзбекистонда сув ресурслари билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

“Фикримча, Ўзбекистонда бунинг учун зарур шарт-шaroитлар мавжуд. Агар “яшил” иқтисодиёт ҳақида гапирадиган бўлсак, қуёшли юртингизда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар анча кўп. Шунинг учун қуёш энергетикаси, фотоэлектрик технологиялар ва бошқа “яшил” энергетика йўналишларида жиддий эътибор қаратиш керак.



Бу ерда ҳам ерни янада самарали сўғориш ва мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини берадиган ечимларни топиш зарур.

Шу билан бирга, сув ресурсларини тўплаш, бошқариш ва тақсимлаш масалаларида қўшни давлатлар билан келишган ҳолда ҳаракат қилиш лозим. Сув низолар манбаи эмас, балки одамлар ҳаётини яхшилашга хизмат қиладиган умумий ресурс бўлиши керак.

Мамлакатингизга сафарларим давомида халқингизнинг меҳнаткашлиги ва тадбиркорлиги менда катта таассурот қолдирган. Одамлар таваккал қилишдан қўрқмайди, кичик бўлса-да ўз бизнеси ёки ишлаб чиқариши бўйича ишбилармонлик қилишга интилади. Албатта, кичик бизнес йўналишини ривожлантириш халқни ва мамлакатни бой қилади.

Польша тажрибасидан келиб чиқиб айтидиган бўлсам, мамлакат иқтисодиёти

ривожда кичик ва ўрта корхоналар муҳим ўрин тутган. Шу боис, ҳар қандай турдаги ишлаб чиқариш ёки тадбиркорлик лойиҳасидан чўчимаслик керак.

— Ўзбекистон сўнгги ўн йиллик давомида халқаро ва минтақaviй аҳамиятга эга қатор ташаббусларни илгари сурди. Сизнингча, ушбу ташаббуслар халқаро ҳамжамият учун қанчалик аҳамиятга эга?

— Мен Марказий Осиёга оид бундай ташаббусларни жуда муҳим деб ҳисоблайман. Ҳозирги кунда дунё аввалгига нисбатан анча беқарор. Ана шундай шaroитда Ўзбекистоннинг ҳамкорликка интилиши

қувонарлиси, Ўзбекистон худди шундай йўлни тутмоқда.

Ёш жамиятда иш ўринларини кўпайтириш ва сифатли таълимга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу йўналишда олдинга ҳаракат қилиш керак. Дунё ва жаҳон иқтисодиёти ўзгармоқда. Шунинг учун замонaviй тармоқларни тараққий эттириш зарур.

Экологик ва рақамли ечимларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини янада рақобатбардош ва юқори қўшилган қийматга эга шаклга ўтказиш замон талабига айланган. Аввал ҳам айтганимдек, инсонлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш керак. Яъни кичик ва ўрта корхоналарни

борада Польша корхоналари Ўзбекистондаги турли инфратузилмавий лойиҳаларда иштирок этиши мумкин.

Польша фармацевтика соҳасини фаол тарзда ривожлантирмоқда. Бу ўзаро ҳамкорлик учун муҳим йўналиш саналади. Польша аҳолисининг қарийб 40 миллион эканини инобатга олиб, туризм йўналишида ҳам алоқаларни ривожлантириш истиқболлидир.

Афсуски, Ўзбекистон кўплаб полялар учун ҳали етарлича таниш эмас. Ҳозир Варшавадан Ўзбекистонга тўғридан тўғри авиақатнов мавжуд ва паровоз ҳам унчалик кўп вақт олмайди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро

“Польша ва Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш даврини муваффақият билан босиб ўтган. Биз ғоялар, лойиҳалар ва ёндашувлар нуқтаи назаридан бир-биримизга кўп нарсаси таклиф қила оламиз. Шу боис, ҳукуматларро алоқалар, олий даражадаги мулоқотларни изчил ривожлантиришни қатъий қўллаб-қувватлайман.

ривожлантириш зарур бу — бугунги куннинг энг муҳим талабидир.

Ислохотлар самардорлигини оширишда бюрократияни қисқартириш катта аҳамиятга эга. Чунки бюрократия мамлакат олдига турган муаммоларни бартараф этишда асосий тўсиқ бўлиши мумкин.

Ўзбекистондаги ислохотлар тажрибасидан кўплаб ижобий мисолларни олиш мумкин. Албатта, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари борлигини унутмаслик лозим. Бир мамлакат тажрибасини бошқа мамлакатга кўчириш қутилган натижани бермаслиги мумкин.

Бирок тан олиш керак, бугунги Ўзбекистон ўзига хос лабораториядир. Уни кузатиш, ундан ўрганиш, мамлакатга келиш ва ижобий тажрибалардан унумли фойдаланиш зарур.

— Сўнгги йилларда Польша компанияларнинг Ўзбекистонга қизиқиши сезиларли даражада ошганини кузатмоқдамиз. Бу, айниқса, энергетика, sanoat, инфратузилма ва замонaviй технологиялар каби соҳаларда яққол намойён бўлмоқда. Сизнингча, ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг қайси соҳаларида ҳали тўлиқ ишга солинмаган имкониятлар мавжуд?

— Дарҳақиқат, икки томонлама муносабатлар охириги пайтларда анча муваффақиятлик кечмоқда. Мен экология соҳасидаги ҳамкорлик истиқболларига катта ишонч билан қарайман. Жумладан, Орол денгизи каби экологик жиҳатдан зарар кўрган ҳудудларни тиклаш, қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан янада самарали фойдаланиш, ирригация ва мелiorация тизимларини ривожлантириш муҳим йўналишлардир.

Польша инфратузилма қурилиши борасида катта тажрибага эга. Сўнгги йилларда мамлакатимизда автомобиль йўллари ва автомагистраллар қурилиши жадал кечмоқда. Бу

ва Хивани зиёрат қилиш ҳар қандай сайёҳда катта таассурот қолдиради.

Шунингдек, Польшада амалга оширилаётган ислохот ва бошқарув ечимлари Ўзбекистон томони учун ҳам қизиқарли бўлмоқда. Хусусан, Польшада давлат бошқарувиغا қизиқиш билдирган делегацияларни қабул қилдик. Бу борада ўз тажрибамиз билан ўртоқлашишга доим тайёремиз.

Польша ва Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш даврини муваффақият билан босиб ўтган. Биз ғоялар, лойиҳалар ва ёндашувлар нуқтаи назаридан бир-биримизга кўп нарсаси таклиф қила оламиз. Шу боис, ҳукуматларро алоқалар, олий даражадаги мулоқотларни изчил ривожлантиришни қатъий қўллаб-қувватлайман.

— Янги Ўзбекистон ислохотлари бошланганининг 10 йиллиги муносабати билан мамлакатнинг раҳбарияти ва халқига тилакларингиз.

— Ўзбекистон тўғри йўлдан бормоқда. Сўнгги 10 йил муваффақиятли кечди ва бу давр ичида ёрқин келажақ учун мустақкам замин яратилди. Энди ушбу йўлни давом эттириш ва халқаро майдондаги ҳозирги мураккаб вазиятда қатъий кўрсатиш керак.

Польшада 1990-йилларнинг ўрталарида катта ислохотларни бошлаганимизда халқаро муҳит нисбатан барқарор ва қулай эди. Бугун эса халқаро майдондаги вазият бутунлай ўзгача. Шу боис, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига куч-ғайрат, тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ўзбекистон бугунги сиёсатида давом этса, у Марказий Осиё, умуман, жаҳон миқёсида қудратли мамлакатлардан бирига айланади.

Ана шу йўлда изчил ҳаракат қилишингизга тилакдошман.

“Дунё” АА

Варшава шахри

ЖАҲОН БАНКИ ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚАРИШ ВА ФАРОВОНЛИККА ЭРИШИШ ИСЛОХОТЛАРИНИ ЮКСАК БАҲОЛАДИ

Камбағаллик географиясидаги ўзгариш ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Илгари камбағаллик ҳақида гап кетса, тасаввуримизда, аввало, қишлоқ, олис ҳудуд, имконияти чекланган маҳаллалар гавдаланар эди. Бугунги рақамлар эса бу тасаввурни ўзгартирмоқда. Қишлоқ ва шаҳарлардаги камбағаллик даражаси ўртасидаги фарқ 2021 йилдаги 5,9 фоиздан 2025 йилда 1,2 фоизгача қисқарган. Бу ўзгаришларнинг аҳамияти пойтахт ва йirik шаҳарлардан тортиб, энг чекка ҳудуддаги оддий хонадон ҳаётигача етиб бораётгани билан баҳоланади. Агар имкониятлар фақат марказларда тўпланиб қолса, иқтисодий ўсish жамиятнинг барча қатламига бирдек таъсир кўрсатмайди. Шу нуқтаи назардан, қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги камбағаллик тафовутининг қисқариши имкониятлар географияси кенгаётганининг муҳим белгисидир.

Ижтимоий кўмак муҳтож инсонга қийин вазиятда вақтинчалик мадад бўлиши мумкин. Бирок оилани узоқ муддатли камбағалликдан олиб чиқадиغان асосий куч билим ва касб орқали топиладиган муносиб даромаддир. Бугун давлат сиёсатида одамларга балиқ эмас, қармоқ берилмоқда. Натижада кам таъминланган хонадонларда эркаларнинг маошли иш билан бандлик улуши 2022 йилдаги 18 фоиздан 2025 йилда 46 фоизга етди. Эҳтиёжманд қатламнинг йиллик реал иш ҳақи 11-12 фоиз ошгани мазкур ислохотларнинг аҳоли



ҳаётига ижобий таъсирини ифодалайди. Тизимли кўмак инсонни мустақилликка етаклаш лозим. Камбағалликка қарши курашнинг энг тўғри йўли ҳам айнан фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратишдир.

Мазкур имкониятлар эшиги очилиши натижасида 2019-2024 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг 44 фоизи юқори иқтисодий тоифага ўтди. Кимдир доимий иш ўрнига эга бўлди, кимдир замонaviй касб-ҳунар эгаллади, яна кимдир оилавий тадбиркорлик орқали янги даромад манбаини яратди. Кечagina кундалик рўзгор харажатини амаллаб

топаётган оилалар бугун фарзандларининг сифатли таълим олиши ёки уй-жой шaroитини яхшилаш ҳақида узоқ муддатли режалар туза бошлади. Иқтисодий ҳаракатчанликнинг энг сезиларли ютуғи ҳам айнан одамлар дунёқарашини ва ҳаёт даражасининг сифат жиҳатидан ўзгаришида кўринади.

Шунингдек, иқтисодий зинанинг юқори поғонасига чиқиш билан мақсад мукамал бўлиб қолмайди. Юқалиш суръатини сақлаб қолиш ва эришилган даромадларни муҳофиза қилиш навбатдаги муҳим вазифадир. Меҳнат бозорида талаблар тез ўзгараётган, янги касблар пайдо бўлаётган ҳозирги шaroитда иш юйининг

барқарорлиги ва мутахасссининг малакаси биринчи ўринга чиқди. Бугунги фаровонлик эртанги янги эҳтиёжлар олдига қамқил қилмаслиги учун давлат томонидан узулксиз касбга ўқитиш ва тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш тизими изчил давом эттирилоқда.

Жаҳон банкнинг ҳисоботидаги рақамлар мана шу тизимли заنجирнинг узвий қисмларидир. Унда акс этган кўрсаткичлар қуруқ статистика эмас. Камбағаллик қисқариши, ўрта қатлам кўпайиши, қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги тафовут камайиши ортида миллионлаб юртдошларимизнинг ўзгарган тақдирини, янги иш ўринлари ва рўбга чиққан умудлари туртиди.

Эришилган ижобий кўрсаткичлар тизимли янгиланишлар тўғри стратегик йўналишда олиб борилаётганини тасдиқлайди. Вақт ўтиши билан статистика жадвалларидаги миллионлаб рақамлар ва фоизлар оддий, аммо фаровон ҳаёт манзараларига айланиши мумкин. Зеро, ислохотларнинг асл муваффақияти қуруқ ҳисоботларда акс этмайди. Улар юртдошларимизнинг эртанги кунга қатъий ишончи, хонадонлар баракаси, шинам уй-жойлар ҳамда фарзандларимизнинг сифатли таълими ва порлоқ истиқболда ўз ифодасини топади.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бундан ўн йил муқаддам Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган эди. Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги муносабатларни тамомила ўзгартириб юборган ва янги сифат босқичига олиб чиққан ушбу қонун доирасида жуда кўп ишлар қилинди. Жараён бугун ҳам изчил давом этмоқда. Ушбу қонуннинг аҳамияти ва ҳаётимиздаги ўрнини яққол тушуниш бу борада қисқа тарихий ракурс қилиш ва айрим саволларга жавоб беришни тақозо этади. Хуллас, қонун қабул қилинишига қандай ижтимоий зарурат бор эди? У ёшларга оид давлат сиёсатини қанчаллик ўзгартира олди? Замон шиддати бу борада яна қандай бўшлиқларни тўлдиришни тақозо қилмоқда?




Абдухалиқ ТАШАНОВ,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
инститuti бўлим бошлиғи

2016 йилга қадар амалда бўлган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги илк қонун 1991 йил 20 ноябрда мамлакатимиз мустақилликка эришган илк ойларида қабул қилинган эди. Ўтган чорак аср давомида давлатчилик тизими, бозор иқтисодиёти шароити, ижтимоий тузилма ва ёшларнинг эҳтиёжи тубдан ўзгарди. 1991 йилги қонун кўпроқ декларатив хусусиятга эга бўлиб, янги даврнинг институционал ва ҳуқуқий талабларига жавоб бера олмай қолди. Бундан ташқари, мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этгани ҳолда, уларнинг салоҳиятини йўбға чиқариш бўйича тизимли механизмлар етарлича ишламас, ҳар йили меҳнат бозорига қириб келаётган юз минглаб битирувчилар, уларни барқарор иш ўринлари билан таъминлаш кўрсаткичи пастлигига қолаётганди. Демографик дивиденднинг иқтисодий ривожланиш омилига айлантириш ўрнига ёшлар бандлиги давлат учун жиддий ижтимоий-иқтисодий босим ва хавотир манбаига айланиб қолган эди.

Мана шу омиллар сабаб, ёшлар орасидаги яширин ва очик ишсизлик энг оғриқли нуқталардан бири бўлиб қолди. Чунки олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларининг диплом бўйича иш топиши мураккаб, касбий кўникмалар реал сектор талабларига мос келмасди. Натижада миллионлаб ёш фуқароларимиз чет элга арзон ишчи кучи сифатида чиқиб кетишга мажбур бўлди. Бу эса ижтимоий беқарорлик ва оилавий ин-



ЁШЛАР – ДАВЛАТНИ ҲАРАКАТГА



КЕЛТИРУВЧИ АСОСИЙ КҮЧ

сўндириб, пессимистик кайфиятни кучайтираётган эди.

Бу даврга келиб, ёшлар тадбиркорлиги ва стартапларини молиявий рағбатлантириш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ёки ер бериш борасида аниқ ҳуқуқий кафолатлар ҳам йўқ эди. Банк тизими ёшлар учун гаровсиз ёки енгиллаштирилган механизмлари тақлиф қилмасди. Бу эса ташаббускор ёшларнинг бизнес гоълари ва иқтисодий фаолият субъекти сифатида шаклланишига тўсқинлик қиларди. Бундан ташқари, ногиронлиги бор, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган ёки тарбия


Қонуннинг энг муҳим юридик янгиликларидан бири ёшлар масаласига аниқ ҳуқуқий таъриф берилгани бўлди. Ҳужжат билан 14 ёшга тулган ва 30 ёшдан ошмаган шахслар расман ёш фуқаролар тоифасига киритилди, “ёш оила” ва “ёш мутахассис” каби муҳим тушунчалар қонун даражасида мустаҳкамланди. Бу шунчаки чегара эмас, балки давлат томонидан бериладиган имтиёзлар, уй-жой субсидиялари, таълим кредитлари ва касбий қўллаб-қувватлаш айнан қимларга қаратилиши кераклигини кўрсатувчи аниқ дастурдир.

Авваллари ёшлар муаммоси кўпинча битта-жамоат ташкилотининг зиммасига юклаб қўйилар, вазирилик ва ҳокимликлар эса бунга иккинчи даражали иш сифатида қарарди. Мазкур қонун ёшлар сиёсатини амалга оширувчи давлат органларининг ваколатларини очик-ойдин тақсимлаб берди. Вазирлар Маҳкамасидан тортиб, маҳаллий ҳокимликларгача, таълим ва соғлиқни сақлашдан меҳнат органларигача — барча давлат идораларининг ёшлар олдидаги аниқ мажбуриятлари қонунан муҳрланган ва бу соҳада вертикал жавобгарлик тизими ишлаб чиқилди. Қонуннинг ижтимоий аҳамияти шунда эдики, у қуруқ ваъдалар эмас, балки ёшларнинг кундалик ҳаётидаги энг долзарб муаммоларни ҳал этишга йўналтирилди. Унда битирувчиларни иш билан таъминлаш, ёшлар тадбиркорлиги ва стартапларига имтиёзли кредитлар ажратиш, уй-жойга муҳтож ёш оилаларни субсидиялаш механизмлари илк бор мустаҳкам ҳуқуқий кафолатланди. Шунингдек, етимлар, ногиронлиги бор ва оғир ижтимоий шароитга тушиб қолган ёшларни давлат қарамоғига

олиш, жамиятга тўсиқларсиз мослаштириш тизими қонуний асосланди.

Қонун мамлакатимизнинг ёшлари ҳаётида ўзгаришларни бошлаб берди десак, ҳаёт бўлмайди. Жумладан, айнан ушбу ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган, соҳадаги энг биринчи катта ўзгариш бошқарув тизимида юз берди. Яъни илгари фақат жамоат ташкилоти бўлган

дафтари” тизими яратилди. Мазкур механизм орқали миллионлаб эҳтиёжманд йигит-қизларга тикув машиналари, пайвандлаш ва компьютер ускуналари субсидия асосида бепул берилди. Даволаниш харажати қопланди ва контракт пули тўлаб берилди. “Бир миллион дастурчи” каби лойиҳалар орқали чекка қишлоқлардаги минглаб ёшлар АТ соҳасига



Камолот пиллапояси



кириб келиб, масофадан туриб даромад топа бошладди. Қонуннинг энг сезиларли натижаларидан бири ёшларнинг бизнестга эркин кириб келиши бўлди. “Ёшлар — келажакимиз” жамғармаси ва микроомлия ташкилотлари орқали минглаб ёш тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратилди. Қишлоқ жойларда эса ишсиз ёшларга деҳқончилик қилиши учун 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдони узок муддатга ажратиб берилди. Бу чоралар туфайли ёшлар ишли бўлиш баробарида тенгдошлари учун ҳам янги иш ўринлари очди.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича йўлга қўйилган “Беш ташаббус олимпиадаси” умуммиллий даражадаги ҳаракатга айланиб, кўчадан тортиб, республика босқичигача миллионлаб ёшларни маданият, китобхонлик, санъат ва миллий спорт турлари атрофида бирлаштирди. Мактаблар ва маҳаллаларда “Заковат” интеллектуал ўйинлари кенг ёйилди. “Ёш китобхон” танлови ғолибларига Президент совғаси топиштирилиши билим олишни жамиятда нуфузли ва қадри тирендга айлантирди. Ёшлар спортда ва илмда жаҳон сахнасида Ўзбекистон номини юқори поғоналарга олиб чиқди. Олимпиада ўйинларида тарихдаги энг яхши натижалар қайд этилди. Энг асосийси, ёшлар давлат бошқаруви ва қонун ижодкорлигиде иштирок этишмоқда. Парламент негизида Ёшлар парламенти қурилди. Янги таҳрирдagi Конституцияга ёшлар ҳуқуқлари бўйича алоҳида моддалар киритилди ҳамда ёш раҳбар кадрлар вазири ўринбосарлари, ҳоким ўринбосарлари ва депутатлик лавозимларига ишонч билан тайинлана бошладди.

ПЕДАГОГЛАР ФАРЗАНДЛАРИ УЧУН 30 ФОИЗЛИ ЧЕГИРМА ҚЎЛЛАНАДИ



Олий таълим

Вазирилар Маҳкамасининг жорий йил 17 сентябрдаги қарорига кўра, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили давлат олий таълим ташкилотларига ўқишга кирган ҳамда тахсил олаётган педагогларнинг фарзандлари учун тўлов-контракт суммасига 30 фоиз миқдорида чегирма жорий этилади.

Бу ташаббусни педагогларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чораларнинг мантиқий давоми сифатида қўриш мумкин. Чунки педагогнинг меҳнати нафақат таълим бериш, балки ёш авлодининг билим ва дунёқарашини шакллантириш, мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш билан бевосита боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, педагогларни қўллаб-қувватлаш фақат иш жойидаги меҳнат шaroитлари ёки иш ҳақи билан чекланиб қолмаслиги, балки оилавий ва ижтимоий эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олиниши муҳим. Бу эса педагогларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, улар учун қўшимча имкониятлар яратиш ва оилада молиявий юкни камайтиришга хизмат қилади.

Бу имтиёзда педагогнинг фарзанди давлат олий таълим ташкилоти бакалавриятида кундузги таълим шаклида, тўлов-

контракт асосида тахсил олаётган бўлиши талаб этилади, — дейди олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг ахборот сиёсати бўйича маслаҳатчиси Назокат Абдуқундузова. — Ота-онанинг иккаласси ҳам педагог бўлса, бу ҳолатда имтиёз икки қарра оширилмайди. Бир фарзанд учун белгиланган 30 фоизли чегирма қўлланади.

Бироқ педагогнинг бир неча фарзанди юқоридаги шартлар асосида давлат ОТМда тахсил олаётган бўлса, ҳар бир фарзанд учун чегирма алоҳида бўлади. Бу эса педагог оиласи учун нафақат бир, балки бир неча фарзанднинг таълим харажатларини енгиллаштириш имконини беради.

Имтиёзни белгилашда педагогнинг иш стажига ёки малака тоифаси бўйича алоҳида талаблар назарда тутилмаган. Яъни педагогнинг соҳада неча йил ишлагани, биринчи ёки олий малака тоифасига эгаллиги каби

мезонлар ушбу чегирмадан фойдаланиш учун алоҳида шарт сифатида киритилмаган. Асосий мезон ота ёки онанинг белгиланган тартибда педагог мақомига эга бўлиши, фарзанднинг эса қарорда кўрсатилган шартлар асосида давлат ОТМда тахсил олаётганидир. Шу ерда бир муҳим жиҳатни ҳам алоҳида таъкидлаш керак, мазкур имтиёз қўшимча ёки табақалаштирилган (оширилган) контракт суммасига эмас, базавий тўлов-контракт миқдорида нисбатан қўлланади.

Қарорга кўра, имтиёз фақат бакалавриятнинг кундузги таълим шаклида тахсил олаётганларга татбиқ этилади. Сиртки, кечки ва масофавий таълим шаклларига тегишли эмас.

Чегирма олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим ташкилотларида, Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиалларида, қўшимча ва табақалаштирилган тўлов-контракт асосида, хорижий ҳамкор ОТМларнинг кўшма таълим дастурлари асосида ва факультетларида, нодавлат олий таълим ташкилотларида тахсил олаётганларга нисбатан ҳам қўлланилмайди.

Мазкур имтиёз барча олий таълим ташкилотлари ёки барча турдаги контрактларга бирдек татбиқ қилинади. Қарорда имтиёзнинг амал қилиш доираси аниқ белгилаб қўйилган.

Яна бир муҳим жиҳат — чегирмани олиш учун алоҳида қозғозбозиликни минималлаштиришга қаратилган электрон тартиб жорий этилган. Педагоглар шартнома олиш учун kontrakt.edu.uz тизими орқали ариза юборади. Аризани қўриб чиқиш жараёнида ариза берувчининг педагог фарзанди экани “Рақамли ҳуқумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тасдиқланиши керак.

Аризалар масъул ташкилот томонидан 2 иш куни мобайнида қўриб чиқилади. Чегирма ўқув йили учун бир маротаба қўлланилади.

Шу билан бирга, имтиёз педагогнинг иш жойига нисбатан ҳам муайян доирада амал қилади. Яъни қарорда назарда тутилган педагог мақомига эга шахсларнинг фарзандларини ушбу ҳуқуқдан белгиланган шартлар асосида фойдаланиши мумкин. Бу ерда асосий эътибор педагогнинг лавозими ёки стажига эмас, унинг педагог сифатидаги ҳуқуқий мақомига қаратилади.

Агар педагогнинг фарзанди олий таълимда тахсил олаётган даврда унинг отаси ёки онаси педагог тоифасидан чиқарилса, чегирма кейинги ўқув йилидан бошлаб қўлланилмайди, — дейди Назокат Абдуқундузова. — Яъни педагог мақоми имтиёзни сақлаб қолишининг муҳим шартини ҳисобланади. Мазкур имтиёз таълимнинг қайси бўғинида меҳнат қилаётганидан қатъи



УШБУ МАҚОЛАНИ
КОРАКАЛДНГ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ ШАКЛЕН
ҚИЛИНГ!

назар, белгиланган талабларга жавоб берувчи педагогларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Яъни мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, касбий таълим ва бошқа таълим ташкилотларида фаолият юритаётган педагоглар учун асосий мезон бир хил — педагог мақомига эга бўлиш.

Олий таълим олиш ҳар бир оила учун катта мақсад, шу билан бирга, муайян молиявий масъулият ҳамдир. Айниқса, бир оилада бир неча фарзанд талаба бўлса, контракт тўловлари оила бюджетига сезиларли юк бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, 30 фоизли чегирма педагоглар учун сезиларли молиявий енгиллик яратиши қутулмоқда.

Бу имтиёзнинг яна бир муҳим жиҳати — давлат педагогнинг меҳнатини унинг оиласи

Мамлакатимиз мустақиллигининг сўнгги ўн йиллиги юртдошларимиз ҳаётида жуда катта ўзгаришлар даври бўлди. Халқимиз миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Бу босқичнинг мантиғи янги даврга муносиб ўзгаришлар, мукаммал қонунлар ва ислохотларни талаб қилади. Шунингдек, замон талаби бўлган глобаллашув ва рақамлашув ҳам қонунларимизни янада такомиллаштириш, замон шиддатига мослашув заруратини талаб қилмоқда. Масалан, ёш мутахассисларни ишга олиш ёки ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўп жиҳатдан иш берувчининг ихтиёрига ташлаб қўйилган.

Дунё ва жамият кескин ўзгарди, яъни сунъий интеллект, рақамли иқтисодиёт, киберхавфсизлик ва ёшларнинг руҳий саломатлиги каби бугунги авлод дуч келаётган янги масалаларни қонунчиликда акс эттириш зарур.

Бугун дунёда инсониятнинг ўртача умр кўриш давомийлиги ҳам ортиб бориши 14 дан 30 ёшгача бўлган чегарани кўйлаб ривожланган давлатлардагидек (35 ёшгача) замонавий демографик ўзгаришлар билан қайта кўриб чиқиш заруратини вужудга келтирмоқда. Ёшлар билан боғлиқ қонунчиликнинг амалий ижро механизмларида, хусусан, “Ёшлар дафтари” ва маҳаллий дастурларда ёрдамни нотўғри тушуниш муаммоси мавжуд. Аксарият ҳолларда ёш ёшларга бепул ускуна ёки бир мартали моддий ёрдам бериш билан чекланиб қоляпти. Уларнинг мустақил оёққа туришини таъминловчи мониторинг тизими оқсамоқда. Масалан, субсидияга тикув машинаси ёки моноблок олган ёшлар бир неча ойдан сўнг уни сотиб юбориши ёки ундан фойдаланмаслиги ҳолатлари учраб туради. Бу эса ёшларда муаммоларни фақат давлат ёрдами билан ҳал қилиш кайфиятини ҳам кучайтириб, уларни ҳақиқий бозор рақобатига тайёрлашга ҳалал бермоқда.

Ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозимининг жорий этилиши жуда илғор ташаббус бўлган эди, бироқ амалиётда уларнинг фаолияти бюрократия ва қозғозбозликка кўмилиб қолди. Етакчилар ёшлар билан жонли мулоқот қилиш ва уларнинг муаммоларини ҳал этиш ўрнига кун бўйи турли платформаларда ҳисобот тўлдириш, маҳалла раиси ёки ҳокимликнинг бошқа юмушларини бажариш билан банд бўлиб қолмоқда. Натижада маҳалладаги оғир тоифага мансуб қатлам — чет элда ишлаб юрган мигрантлар, жазони ўтаб қайтганлар ёки реал ёрдамга муҳтож, лекин муҳожаат қилмайдиган ёшлар назардан четда қолиб кетмоқда. Ишлар эса кўпична чиройли рақамлар учун қилинмоқда. Бу муаммоларнинг ҳам қонуний ечимини ҳал қилиш лозим.

Олийоҳдагача қаровел кескин ошганига қарамай, таълим сифати ва реал иқтисодиёт эҳтиёжи ўртасидаги жарлик сақланиб қолмоқда. Йилгига юз минглаб ёшлар кўлига диплом олаётган бўлса-да, корхоналар ва хусусий секторда малакали кадрлар тақчиллиги давом этмоқда. Дипломли мутахассисларнинг кўсуерлиги, тақсисчилик қилиши ёки мардиркор бозорига қиқшиш одатий ҳолга айланди. Қонунларимизда назарда тутилган “касбга йўналтириш” ва “битирувчиларни кафолатли иш билан таъминлаш” механизмлари таълим муассасалари билан иш берувчилар ўртасида мустаҳкам қўприк бўла олмаётти. Бу эса миллионлаб ёшларни ҳамон ташқи меҳнат миграциясига суянишга мажбур қилмоқда.

Аслида, ҳар бир қонун ҳужжати, ҳар бир қарор ҳамда унда белгиланган нормалар ва вазифалар қозғоздаги бандлардан чиқиб, тўлиқ кучга кириши миллионлаб йигит-қизларнинг ҳаётини тубдан ўзгартира олади. Улар шунчаки “келажак умиди” бўлишдан тўхтаб, бугуннинг ҳақиқий ҳаракатлантирувчи кучига айланади. Таълим тизими меҳнат бозорига ҳамоҳанг ишлаб, дипломсизлик ёки тахрибасизлик ёшлар йўлидаги тўсқин бўлмай қолади. Стартларни, имтиёзли кредитлар ва ижтимоий лифтвер ҳам бир истиснод эгасига ўз юртида кадр топиш имконини беради. Ёш оилаларнинг уй-жой ташвишидан қутулиши, ҳар бир иқтисодий давлат ҳимоясини ҳис қилиши, ёш оилалардаги ажралишларнинг камайиши уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди. Келажакнинг хориядан эмас, ватанидан қидирадиган янги, эркин фикрли авлод шаклланади.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Дунёда турли қонуният асосида тузилган алифболар мавжуд. Лекин идеал алифбо, энг аввало, бир муҳим қонуниятга таянади: бир товуш — бир ҳарф. Бу тамойил шунчаки назарий қоида эмас. У ёзув тизимининг соддалиги, изчиллиги ва барқарорлигини таъминлайди.



O' o' → Ö ö
G' g' → Ğ ğ
Sh sh → Ş ş
Ch ch → Ç ç

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



АЛИФБО МУКАММАЛЛИГИ — ИЛМИЙ ЗАРУРАТ ВА ЗАМОН ТАЛАБИ



Мулоҳаза

Миллатлар тарихида шундай қарорлар бўладики, уларнинг аҳамияти бир кун ёки бир йил билан эмас, балки кейинги ўнлаб йиллар, ҳатто асрлар тақдири билан ўлчанади. Шубҳасиз, миллий алифбо масаласи ҳам шулар жумласидан. Чунки алифбо шунчаки ҳарфлар йиғиндиси эмас, у миллатнинг ёзма тафаккури, илмий салоҳияти ва рақамли келажагини ўзаро боғлаб турувчи мустаҳкам пойдевор.



Иномжон АЗИМОВ,
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази директори, филология фанлари доктори, профессор

Бугун инсоният рақамли цивилизациянинг янги босқичига қадам қўймоқда. Сунъий интеллект, катта маълумотлар, электрон давлат бошқаруви, автоматик таржима, нутқни таниш ва рақамли таълим каби технологиялар жадал ривожланиётган бир пайтда ҳар бир тил замон билан ҳамнафас бўлиши, унинг ёзув тизими эса содда, изчил ва технологик жиҳатдан барқарорлик касб этиши зарур. Шу маънода, алифбони такомиллаштириш фақат бугуннинг эмас, эртанги куннинг ҳам эҳтиёжидир.

Жорий йил 10 сентябрь кuni Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган алифбо лойиҳаси қисқа муддатда пайдо бўлган эмас. У қарийб ўн йил аввал мамлакатимизнинг таниқли олимлари иштирокида тузилган ишчи гуруҳнинг изчил изланишлари, ўзаро баҳс-мунозаралар ва илмий муҳокамалар маҳсулидир. Бу жараёнда тилшунос олимлар билан бир қаторда педагоглар, ахборот технологиялари мутахассислари, ҳуқуқшунослар, ноширлар, дастурчилар, журналистлар ва бошқа соҳалар вакиллари фаол иштирок этди.

Шу йилларда ишчи гуруҳ томонидан алифбонинг бешта турли лойиҳаси ишлаб чиқилди ва жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Хусусан, 2021 йил 16 март кuni такомиллаштирилган алифбо лойиҳаси расман эълон қилиниб, мамлакат миқёсида кенг муҳокама қилинган эди. Олимлар, мутахассислар ва фуқаролар билдирган юзлаб тақлиф ва мулоҳазалар синчиклаб ўрганилди. Ҳар бир ечимнинг илмий, амалий ва техник жиҳатлари таҳлил қилинди. Натижада илмий баҳслардан ўтган, турли қарашларни ўзида уйғунлаштирган ажуний лойиҳа шакллантирилди.

Энг муҳими, тақлиф этилаётган алифбо амалдаги ёзув тизимида йиллар давомида сақланиб келаётган асосий имловий ва техник муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади. Шу билан бирга, ёзувни сунъий равишда мураккаблаштирмайди. У таълим тизимида ҳам, давлат идоралари фаолиятида ҳам, ноширлик фаолиятида ҳам, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳам осон қўлланадиган, изчил ва замонавий ечимни тақлиф этади. Бошқача айтганда, бу лойиҳа ҳарфларни шунчаки алмаштириш эмас, балки ўзбек ёзувини яхлит тизим сифатида такомиллаштиришга қаратилган.

Айни пайтда ижтимоий тармоқлар ва турли ахборот майдонларида алифбога киритилаётган ўзгаришлар юзасидан турли фикрлар билдирилмоқда. Бу — табиий ҳол. Чунки ҳар қандай катта ислоҳот турли саволларни ҳам, жиддий муҳокамаларни ҳам келтириб чиқаради. Бироқ масаланинг моҳиятини чуқур англамай, юзаки билдирилаётган айрим мулоҳазаларга ҳам қўзимиз тушмоқда. Алифбо эса ҳиссиёт ёки шахсий дид билан эмас, балки тилнинг фонетик тамойиллари, графика, ахборот технологиялари асосида баҳоланадиган илмий тизимдир.

Шу боис, бугун “қайси ҳарф чиройлироқ?” деган савол эмас, “қайси алифбо ўзбек тилининг бугунги ва эртанги эҳтиёжларига кўпроқ жавоб беради?” деган савол ва унинг жавоби биз учун муҳим бўлиши лозим. Айнан шу саволга илмий далиллар, тарихий тажриба ва амалий эҳтиёжлар асосида жавоб излашга ҳаракат қиламиз.

Яхлит ва мантикий тизим

Амалдаги алифбо ҳақида сўз кетганда, савол “Бугунги ўзбек алифбоси замонавий тил, таълим ва рақамли технологиялар талабларига тўлиқ жавоб бера оляптими?” тарзида қўйилиши лозим.

Агар саволга ижобий жавоб бера олганимизда алифбони такомиллаштириш ҳақида ўн йиллаб баҳслар бўлмас эди. Мавжуд ёзув тизими барча соҳада муаммосиз ишлаганида, тилшунослар, дастурчилар, педагоглар ва бошқа мутахассислар бу масала устида йиллар давомида бош қотирмаган бўларди.

Демак, бугунги муҳокама марказида муайян ҳарф эмас, балки алифбонинг ички тизими турибди.

Дунёда турли қонуният асосида тузилган алифболар мавжуд. Лекин идеал алифбо, энг аввало, бир муҳим қонуниятга таянади: бир товуш — бир ҳарф. Бу тамойил шунчаки назарий қоида эмас. У ёзув тизимининг соддалиги, изчиллиги ва барқарорлигини таъминлайди. Бола савод чиқараётганда ҳам, тилшунос лугат тузаётганда ҳам, дастури матни қайта ишлаётганда ҳам айнан шу тамойил енгиллик яратади.

Амалдаги ўзбек алифбосида эса мазкур тамойил тўлиқ таъминланмаган: айрим ҳарф-



компьютер учун ҳам турли қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун тақлиф этилаётган ўзгаришлардан бош мақсад айрим ҳарфларни “чиройлироқ” қилиш эмас, балки алифбони яхлит ва мантикий тизимга айлантиришдир.

Нега О' ва G' ўрнига Ӣ ва Ğ тақлиф қилинмоқда?

Бугун энг кўп муҳокама қилинаётган, таъбир жоиз бўлса, алифбо ислоҳотига асосий сабаб бўлган бош муаммо ҳам О' ва G' ҳарфларидир. Бир қарашда улар оддий, кичик

Натижада бир хил сўз турли кўринишда ёзилиб кетади. Электрон қидирув тизими айрим матнларни топмайди. Давлат ахборот тизимларида бир фуқаронинг фамилияси бир нечта кўринишда қайд этилиши мумкин. Электрон ҳужжатлар, маълумотлар базалари, автоматик саралаш ва рақамли хизматларда турли номувофиқликлар юзага келади.

Эътиборли жиҳати шундаки, бу муаммо имло қоидасини ўзгартириш билан ҳал бўлмайди. Чунки муаммо тилда эмас, белгининг техник табиатида. Компьютер инсон кўзи каби кўрмайди. У ҳар бир белгини алоҳида код сифатида қабул қилади.



ТАҚЛИФ ЭТИЛАЁТГАН
АЛИФБО ЛОЙИҲАСИНИ
МУКАММАЛЛИКНИНГ СЎНГИ
НУҚТАСИ ДЕБ АЙТИШ ТЎҒРИ
БЎЛМАЙДИ. ЗЕРО, ДУНЁДА
МУТЛАҚО МУКАММАЛ
АЛИФБОНИНГ ЎЗИ ЙЎҚ, АММО ҲАР
ҚАНДАЙ ИСЛОХОТНИНГ ҚАДРИ
УНИНГ МАВЖУД МУАММОЛАРНИ
ҚАЙ ДАРАЖАДА ҲАЛ ҚИЛА ОЛИШИ
БИЛАН БАҲОЛАНАДИ.

кўринади. Лекин масала ҳам айнан ана шунда — кичик белги катта муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Амалда О' ва G' ҳарфларида қўлланадиган белги ягона эмас. Бир одам тўғри апрофдан фойдаланади, бошқаси тескари белгини қўяди, яна бири қия белгини ишлатади.



лар икки белги орқали ифодаланади. Қўш белгли бу ҳарфларни тўғри ёзиш эса муаммо экани бор ҳақиқат. Бу ҳолат инсон учун ҳам,

Ташқи кўриниши яқин бўлган бу белгилар компьютер учун мутлақо бошқа-бошқа кодлардир.

Алифбо лойиҳасига киритилган Ӣ ва Ğ эса мустақил ҳарфлардир. Улар ягона юникод кодига эга. Барча замонавий операция тизимлар, веб-платформалар ва дастурий муҳитлар томонидан бир хил қабул қилинади. Бу эса йиллар давомида йиғилиб келган техник муаммоларни бартараф этади. Яна бир муҳим жиҳат шуки, тақлиф қилинаётган ҳарфлар биз учун бегона эмас, бу ҳарфлар жадид боболаримиз томонидан ишлаб чиқилган, 1929-1940 йилларда амалда бўлган. Шу билан бирга, 1993 йилда қабул қилинган алифболарда ҳам мавжуд. Демак, бу ўринда тарихий тажриба ҳам инобатга олинган.

Баъзан “Ахир биз О' ва G' га ўрганиб қолганимиз-ку”, деган фикр ҳам билдирилмоқда. Айни пайтда ушбу фикр эгаларининг аксарияти бу ҳарфларни тўғри ёзолмаслигини, уларни одатда тутуқ ё бошқа белги билан ёзиб кетишини ва бунни жиддий хато деб ҳисобламаслигини ҳам эътироф этмоқда. Муаммолар ҳарфларни тўғри ёза олмаслигини эътироф этган ҳолда уларни химоя қилмоқ саводхонликка ҳам, мантиққа ҳам зид ҳолат. Муаммо борми, уни ҳал этиш зарур, ҳаспўшлаш эса фақат зиёнга хизмат қилади.

Нега Sh ва Ch ҳам ўзгармоқда?

Айримлар “Фақат О' ва G' ни ўзгартириш кифоя, Sh ҳамда Ch ни эса қолдириш мумкин”, деган фикрни билдирмоқда. Бир қарашда бу тақлиф имло ислоҳотини енгил ўтказишга хизмат қиладиган ечим каби кўринади. Аммо илмий-амалий нуқтан назардан бу тўғри бўлмайди: айнан шу чала тузатиш яна қачондир

алифбони такомиллаштириш масаласини кун тартибига олиб чиқиши мумкин.

Зеро, бугун Sh ҳамда Ch ҳарфлари фақат назарий эмас, амалий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Масалан, лугатларда сўзларни алифбо тартибидида жойлаштириш, автоматик саралаш, морфологик таҳлил, маттни рақамли қайта ишлаш, қисқартмалар ясаш каби жараёнларда Sh ва Ch алоҳида эмас, иккита мустақил ҳарф сифатида қабул қилинади. Бу эса компьютер дастурлари учун қўшимча алгоритмлар талаб қилади. Is'hoq, as'hob каби сўзларда эса йўқ жойдан истисно қоидаларини жорий этиб, вазифасига зид равишда тутуқ белгисини қўллашимизга тўғри келмоқда. Жадид номояндларидан Иброҳим Тоҳирий имло қоидаларида истисноларнинг бўлиши унинг тўғрилигини шубҳа остига қўяди деган эди.

Тақлиф этилаётган Ş ва Ç ҳарфлари қўлланганда эса мазкур товушлар мустақил ҳарф сифатида ифодаланади. Натижада инсон учун ҳам, компьютер учун ҳам ягона ва изчил тизим вужудга келади.

Нега айнан Ӣ, Ğ, Ş ва Ç танланди?

“Нима учун бошқа белги эмас, айнан шу ҳарфлар?” деган савол ҳам бўлиши табиий. Бу ерда танлов ташқи кўринишга эмас, илмий ва амалий мезонларга асосланган.

Биринчидан, мазкур ҳарфларнинг ҳар бири битта мустақил графемадан иборат. Демак, улар “бир товуш — бир ҳарф” тамойилига тўлиқ мос келади.

Иккинчидан, бу ҳарфлар халқаро рақамли стандартларда мустаҳкам ўрин эгаллаган. Улар шаклдошлари орасида кенг тарқалган бўлиб, алоҳида юникод кодлари мавжуд ва барча замонавий ахборот тизими томонидан қабул-қувватланади.

Учинчидан, мазкур графемалар туркий тиллар ёзувида кенг қўлланиб келаётгани ҳамда аввал ҳам икки марта алифбониз таркибидан ўрин олгани боис, улар ўзбек ёзуви учун ҳам мутлақо табиий.

Шунинг учун бу танлов тасодифий эмас, балки тилшунослик, ахборот технологиялари ва халқаро тажрибанинг кесинган нуқтасида қабул қилинган ечимдир.

Нега пг таркибдан чиқарилди?

Муҳокамаларда энг кўп учраётган саволлардан яна бири пг ҳақида. Аввало, Ng ўзбек тилида чекланган фонетик муҳитда учрайди. У ҳеч қачон сўз бошида келмайди. Қолаверса, минг йил давомида араб алифбосида ҳам, кейин кирилл алифбосида ҳам ва ниҳоят, амалдаги лотин алифбосида ҳам п ва g ҳарфлари орқали ифодаланган. Яъни бу товушнинг икки ҳарф билан ифодаланишида азалий ўқинма мавжуд. Энг муҳим жиҳат шуки, бошқа ҳарфий бирикмалардан фарқи пг бирикмаси амалиётда ҳеч қандай муаммога сабаб бўлмаяпти. Аксинча, уни яхлит ҳарфга айлантириш амалиётда янги муаммоларни

юзага келтиради. Жумладан, сон-саноксиз адабиётларни янгиланган алифбога ўгиришда электрон дастурлар ko'ngil, singil, dengiz сўзларидаги пг товуши билан бирга menga, shakllangan, shitanga каби сўзлардаги бир-бирига алоқасиз п ва g ҳарфларини ҳам яхлит ҳарфга айлантириб юборади. Шунингдек, жуда кўп сўзларни ёзишда иккиланиш пайдо бўлиб, саводхонликка ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Нега тутуқ белгисидан воз кечилмади?

Тутуқ белгисига нисбатан ҳам турли фикрлар билдирилмоқда. Лекин у ўзбек тилида муайян вазифани бажаради. Айрим ҳолларда товушларни ажратиш, талаффузн аниқлаш ва маънони фарқлашда унинг аҳамияти сақланиб қолмоқда.

Шунинг учун илмий ёндашув уни бутунлай йўқотиш эмас, балки қўлланиш доирасини аниқ белгилашдан иборат. Бу, бир жиҳатдан, ёзувни соддалаштирса, иккинчи томондан, тилнинг табиий хусусиятларини ҳам асраб қолади. Шу маънода, тутуқ белгисининг қўлланиш доирасини такомиллаштириладиган имло қоидаларида алоҳида кўриб чиқиш мумкин.

Муҳокамаларда билдирилаётган тақлифлардан бири — унлилар сонини 9 га етказиш масаласи. Бу ҳозирги ҳолатда амалга ошиши қийин бўлган масала. Чунки бу тақлиф қабул қилинса, алифбода жиддий иккиланиш ўзгариш юз беради. Унлиларнинг қаттиқ-омшоклик бўйича жуфтланиши ўтган асрларда бўлган эса-да, буни бугун ҳатто айрим филологлар ҳам ажрата олмайди. Ҳозирги алифбо ислоҳоти эса муаммолар яратишга эмас, уларни ҳал этишга қаратилган.

Алифбо ислоҳоти ҳақида фикр юритар эканмиз, бундай жиддий ва илмий масалага ҳиссиёт, одат ёки шахсий дид нуқтан назаридан эмас, балки илм-фан, миллий манфаат ва келажак эҳтиёжлари нуқтан назаридан ёндашиш зарур.

Мақсад — изчил ечим топиш

Тақлиф этилаётган алифбо лойиҳасини мукаммаллиқнинг сўнгги нуқтаси деб айтиш тўғри бўлмайди. Зеро, дунёда мутлақо мукаммал алифбонинг ўзи йўқ, аммо ҳар қандай ислохотнинг қадри унинг мавжуд муаммоларни қай даражада ҳал қила олиши билан баҳоланади. Ана шу нуқтан назардан қараганда, мазкур лойиҳа амалдаги алифбода йиллар давомида кузатиб келинган қатор лингвистик, имловий ва техник муаммоларга изчил ечим тақлиф этади.

Бугун ўзбек тили олдига янги вазифалар турибди. У нафақат кундалик мулоқот ва бадий адабиёт тили, балки замонавий илм-фан, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, электрон давлат бошқаруви ва халқаро ахборот алмашинувининг ҳам тўлақонли воситасига айланиши керак. Бу мақсадга эришиш учун тилнинг ички қонуниятларига таянган, изчил ва технологик жиҳатдан барқарор ёзув тизими зарур. Такомиллаштирилаётган алифбо айнан шу эҳтиёжларга жавоб беради.

Шубҳасиз, ҳар қандай янгилик дастлаб саволлар ва турли муносабатларни келтириб чиқаради. Бу табиий жараён, бироқ тарихий тажриба шуни кўрсатадики, илмий асосланган қарорларнинг ҳақиқий қиймати вақт ўтиши билан янада ақол намоен бўлади. Кеча баҳсли туюлган қўллаб янгиланган бугун ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланганидек, бу ислохотнинг ижобий самараси ҳам йиллар давомида ўзини намоен этади.

Шу боис, бизнинг вазифамиз ҳар қандай ислохотни, жумладан, миллий алифбога киритилаётган тузатишларни далил ва таҳмин эмас, илм билан баҳолашдан иборат. Чунки тилнинг келажаги ҳақида қабул қилинган ҳар бир оқилона қарор, аввало, миллатнинг келажагига қўйилган сармоядир.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сақлалади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан шифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Т-946.

Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Азизбек Юсупов
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 22:27 Тошпирилди — 22:45